

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОАЗИЗОВ НОДИР НИГМАТИЛЛАЕВИЧ

**ТЕЗ-ТЕЗ КАСАЛЛАНАДИГАН БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ СИНУСИТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИММУНОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА
ИММУНОКОРРЕКЦИЯНИ АСОСЛАШ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Шоазизов Нодир Нигматиллаевич Тез-тез касалланадиган болаларда сурункали синусит ривожланишининг иммунологик механизмлари ва иммунокоррекцияни асослаш	3
Шоазизов Нодир Нигматиллаевич Иммунологические механизмы формирования Хронического синусита у часто болеющих детей и обоснование к иммунокоррекции.....	27
Shoazizov Nodir Nigmatillaevich Immunological mechanisms of the formation of chronic sinusitis in often ill children and justification to immunocorrection	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОАЗИЗОВ НОДИР НИГМАТИЛЛАЕВИЧ

**ТЕЗ-ТЕЗ КАСАЛЛАНАДИГАН БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ СИНУСИТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИММУНОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА
ИММУНОКОРРЕКЦИЯНИ АСОСЛАШ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib299 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.immunology.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар: **Мусаходжаева Дилорам Абдуллаевна**
биология фанлари доктори

Хасанов Саидакром Аскарлович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Уразметова Манса Дмитриевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Джахангир Фазлитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент врачлар малакасини ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2019 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

З.С.Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда тез-тез касалланувчи болаларда сурункали риносинусит касаллигини ташхислаш ва даволаш оториноларингологиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... бурун ва бурунни ёндош бўшлиқларининг яллиғланиш касалликлари ЛОР-патологиялари структурасида 17-25% ни ташкил этмоқда ва уларнинг тез-тез такрорланиш даражасининг ортиб бориш тенденцияси сақланмоқда»¹. «ЛОР касалликлари ичида ўткир ва сурункали синуситлар улуши 70% дан ортиқни ташкил этади, ҳамда касалликлар структурасида 1-ўринни эгаллайди. Тез-тез касалланувчи болаларда бу патологиянинг юқори даражаси кам касалланувчи болаларга нисбатан 3,5 мартаба кўпроқ бўлиб, касалликнинг авжи улар ҳаётининг дастлабки 5 йилига тўғри келмоқда»². Тез-тез касалланадиган болаларда сурункали синусит билан касалланишнинг юқорилиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болалардаги сурункали риносинуситни комплекс ташхислаш ва самарали даволашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Болаларда сурункали риносинуситларни консерватив даволаш, касалликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар механизмини яратиш, касаллик асоратларини камайтириш ва бартараф этувчи замонавий усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, болаларда сурункали риносинуситлар учраши даражаси ва ривожланиши омилларини аниқлаш, бурун ва бурун ёндош бўшлиғи шиллиқ пардаси яллиғланишида ассоциацияланган бактериял ва вирусли инфекцияларни аниқлаш, анъанавий ва дифференцирланган иммунокоррекция даволаш усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш, иммун тизимда кечадиган ўзгаришларни аниқлаш, болалар ҳаёти давомийлигини ва сифатини яхшиловчи турли профилактика чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, янги патогенетик асосланган даволаш ва ташхислаш усулларни ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан болаларда сурункали риносинуситлар келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, тўғри ва эрта ташхислаш, самарали даволаш орқали асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон Фармонида «...соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича мақсадли

¹ ЖССТнинг маълумотлари 2014 йил

² Хасанов С.А. Новые взгляды к проблеме синуситов у детей. 2008.

дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш»³ вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, болаларда сурункали риносинуситларни ташхислаш ва даволашнинг турли усуллари такомиллаштириш, айниқса уларда кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда синусит муаммоси бўйича хорижий тадқиқотлар ҳам, мамлакатимизда ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб борилган (Лазарев В.Н., Скрябин А.С. 2008, Богомилский М.Р. 2013, Хасанов С.А. 2014; Джабборова К., Шамсиев Ж.Ф. 2015). Кўплаб илмий ишлар янги туғилган чақалоқлар саломатлигининг ҳолатини ўрганиш бўйича олиб борилган, ТТКБ да ҳам, эпизодик касалланувчи болаларда ҳам эрта ёш ва пубертат ёшдаги болалар саломатлиги бўйича илмий ишлар олиб борилган. (Албинский В.Б, Баранов А.А, Пуртов И.И. 2013; Самсигина Г.А. 2009; Шайхова Х.Э. 2014).

Сурункали риносинуситлар ЛОР аъзолари касалликлари ичида юқори ўринни эгаллабгина қолмасдан, балки бундай беморлар поликлиника ва шифохона оториноларингологларининг асосий объекти ҳисобланади, бироқ ҳозирги вақтда риносинуситларнинг патогенетик механизмларини ва этиологиясини аниқлашда муваффақиятларга эришилганига ва тиббиётнинг даволаш ва профилактика бўйича сўнгги фан ва технологиялари ютуқларини амалиётга жорий этилганига қарамасдан, ушбу патологиянинг 1,5-2%га ўсишига мойиллик кузатилмоқда (Карпова Е.П., 2013).

Риносинуситларни тез-тез кайталаниши ва уни сурункали формага ўтиб қолиши, патогенетик асосларини аниқлаш, ташхислашни такомиллаштириш, профилактика даво чораларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир (G.E. Davis, et al., 2015). Янги технологияларни фойдаланган ҳолда, эндоскопия, компьютер томография ва магнит-резонанс томографияси, акустик

³ 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5590-сон Фармони

ринометрия ва ринонометрия бурун ва бурун ёндош бўшлиқларни юкори такомиллашган структурага эга бўлган туркум деб хисоблайди. Дунёда олимларни иммун тизимидаги цитокинлар звеносига қизиқиши ортиши, тез-тез касалланадиган болаларда антибактериал даво чораларнинг самараси етарли эмаслиги, ҳамда уларни иммунокоррекциялаш лозимлиги билан боғлиқдир (Fokkens W. J., Lund V. J., Mullol J. et al. 2012; Lethbridge-Sejku et al., 2012). Бурун, бурун ёндош бўшлиқлардаги лимфоид тукумалари гемеостаз ва иммун тизими шаклланишида асосий аҳамиятга эга, сурункали риносинуситлар тизимга етарлича тазийқ кўрсатиб, нормал функционал холатини ёмонлаштиради. Сурункали риносинуситнинг патогенетик механизмларини аниқлаш дунёдаги илмий тадқиқотларни асосини ташкил қилиб, етарли ютуқларга эгадир. Иммун тизими фаолиятини бузилиши, шиллиқ қаватининг барьер функциясини йуқотилиши, эпителияни ўтказувчанлиги ошиб бориши, антибактериал омилларни ишлаб чиқарилишини кескин камайиши хар хил турдаги сурункали холатларга олиб келмоқда. Риносинусит касалликларини камайтириш ва уларни даволаш самарадорлигини ошириш муаммоси оториноларингология ва ринологиянинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотиининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларини ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг самарадорлигини оширишнинг замонавий йўллариини излаб топиш» (2011-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тез-тез касалланадиган болаларда сурункали синусит ривожланишининг иммунологик механизмларини аниқлаш ва иммунокоррекция усулини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача ёшдаги тез-тез касалланувчи болаларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари сурункали яллиғланиш касалликлари учраш даражаси ва клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш;

тез-тез касалланувчи болаларда сурункали риносинусит ривожланишининг иммунологик механизмида туғма ва орттирилган иммунитет кўрсаткичлари холатини аниқлаш;

мактабгача ёшдаги сурункали риносинуситли болаларни анъанавий ва дифференцирланган иммунокоррекция даволаш усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш;

болаларда сурункали риносинуситни иммунташхислаш, иммунокоррегирлаш ва профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сурункали синусит ташхиси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ЛОР-бўлимида назоратда бўлган 180 нафар бемор ва 18 нафар соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар қони ва қон зардоби ҳамда бурун ажралма суюқлиги иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, рентгенография, компьютер томография, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тез-тез касалланувчи болалар сурункали риносинуситида CD3, CD4, IgA, IgM, IL-1 β , IFN γ ва фагоцитар фаоллик даражасининг ишонarli камайиши ҳамда CD8, CD16, CD20, IgG, IL-4 миқдорининг кескин ортиши билан кечувчи иммун тизимидаги номунособиблик бўлиши исботланган;

илк бор тез-тез касалланувчи болалар сурункали риносинусити бурун ажралмасида sIgA, IL-1 β , IFN γ камайиши ва IgE, IL-4 миқдорлари ортишига боғлиқ локал иммунитет фаолиятининг ўзгариши аниқланган;

кам касалланувчи болалар сурункали риносинусити иммунологик механизмида Т-лимфоцитлар миқдорининг пасайишига тўғри пропорционал равишда фагоцитар фаоллик ва гуморал иммунитет кўрсаткичларининг ортиши аниқланган;

илк бор кам касалланувчи болалар сурункали риносинусити бурун ажралмасида sIgA, IFN γ пасайиши билан IgE, IL-1 β , IL-4 миқдорларининг ортишига боғлиқ локал иммунитет ҳолатидаги турғунликни бузилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги тез-тез касалланувчи болалар бурун ёндош бўшлиқлари сурункали касалликларининг тез қайталаниши касаллик кечишини оғирлаштирувчи ва даволаш натижаларини пасайтирувчи омил эканлиги исботланган;

мактабгача ёшдаги сурункали риносинуситли болаларни дифференцирланган иммунокоррекция даволаш усулининг самарадорлиги баҳоланган;

сурункали риносинуситли болаларни клиник-иммунологик ташхислаш ва каксаллик рецидивларини профилактика қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тез-тез касалланадиган болаларда сурункали синусит ривожланишининг иммунологик механизмларини аниқлаш ва иммунокоррекция усулини ишлаб чиқиш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. Сурункали риносинуситларда туғма ва ортирилган иммунитет кўрсаткичлари ўзгаришлари, ҳужайравий ва

гуморал тизим фаолияти, интерлейкинлар миқдоридаги номутаносибликлари яллиғланиш жараёнига хос ўзгариши касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабгача ёшдаги тез-тез касалланувчи болалар бурун ёндош бўшлиқларининг сурункали касалликларининг тез қайталаниши касаллик кечишини оғирлаштирувчи ва даволаш натижаларини пасайтирувчи омил эканлиги, ишлаб чиқилган сурункали риносинуситли болаларни самарадор дифференцирланган иммунокоррекция даволаш, клиник-иммунологик ташхислаш ва касаллик рецидивларини профилактика қилиш усуллари касаллик ривожланишини олдини олиши ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тез-тез касалланадиган болаларда сурункали синусит ривожланишининг иммунологик механизмларини аниқлаш ва иммунокоррекция усулини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Мактабгача ёшдаги тез-тез ва кам касалланадиган болаларда сурункали риносинуситни ташхислашдаги цитокинларнинг миқдорини аниқлашнинг аҳамияти» номли услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 11 февралдаги 8н-д/29-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали риносинуситга чалинган болаларда иммунитетнинг цитокинлари бўғинидаги бузилишларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволашнинг оптимал усуллари танлашга ва касалликнинг олдини олишга хизмат қилган;

тез-тез касалланадиган болаларда сурункали синусит ривожланишининг иммунологик механизмларини аниқлаш ва иммунокоррекция усулини самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 29 майдаги 8н-з/87-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар сурункали риносинусит билан касалланган болаларда ташхислаш ва янги иммунокоррегирловчи даволаш услубини қўллаш орқали болаларда касалликни қайталаниш даражасини камайтиришга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва уларни тиббий ёрдамга муурожаатларини камайтиришга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 1 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва замон талабига жавоб бериши асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, илмий тадқиқот ЎЗР фан ва технологияларининг илғор йўналишларига мувофиқлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалий медицинага жорий қилиш бўйича нашр этилган илмий мақолалар ва диссертация тузилиши маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Тез-тез касалланувчи болалар бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланиш касалликлари: клиникаси, ташхиси ва даволаш»** деб номланган биринчи бобида (адабиётларни умумлаштирувчи қисқача маълумот) қисмида мактабгача ёшдаги болаларнинг саломатлиги ҳолати, уларда учрайдиган юқори нафас йўллари касалликлари тузилиши ҳақида замонавий тасаввурлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Сурункали риносинуситли беморлар тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида илмий изланишнинг клиник, инструментал ва иммунологик тадқиқот усуллари тавсифланган. Тадқиқот материали тавсифланган ва характерли белгилари кўрсатиб берилган.

Клиник материал сифатида 2007-20017 йиллар давомида ТошПМИ ЛОР-клиникасида даволаш учун ётқизилган 180 нафар мактабгача ёшдаги 4 дан 7 ёшгача бўлган болаларнинг текшириш ва даволаш ҳақидаги маълумотлари ташкил қилади. Кузатув ишлари динамикада бир йил давомида амалга оширилган. Болалар касалланишининг тезлигига қараб 2 гуруҳга бўлинади: 1-гуруҳ –кам касалланувчи болалар гуруҳи – 60 та бола (ККБ); (қиёслаш гуруҳи); 2-гуруҳ – тез-тез касалланувчи болалар гуруҳи – 120 бола (ТТКБ). (асосий гуруҳ).

Кўриқдан ўтказилган болаларда ижтимоий омиллар ўрганиб чиқилди (яшаш жойи, мактабгача таълим муассасасига қатнаши), ҳаётнинг биринчи йилида овқатланиши (табiiй, аралаш, сунъий), касалликка чалиниш ҳолатлари (тез-тез касалланиш, касалликнинг оғирлиги, ҳар бир касалликка қарши қабул қилинган антибиотиклар), бошдан кечирилган касалликлар (ўтқир респиратор инфекциялар – ЎРИ, ўтқир ичак инфекциялари – ЎКИ, гастроэнтерит, бронхопневмония, вирусли гепатит, анемия, бронхит).

Оториноларингологик текшируви Ото-, рино-, фаринг-, ларинго - скопияларни ўз ичига қамраб олади. Зарур ҳолатларда касал болаларни педиатр, невропотолог, нейрохирург ва бошқа мутахассислар маслаҳат-ташхис консультациясини бердилар. Нур ёрдамида текширув рентгенография

(79 та) ва компьютер томографияси (25 та) ўтказилди. Рентгенография классик услубда бурун-даҳан проекциясида амалга оширилди. КТ текширув Siemens 2.5T аппаратида стандарт услубда акциал ва фронтал текисликда, 5мм. ҳаликдаги кесимда, томограф бўйича 5 мм. контраст моддаларни томир ичига юбормаган ҳолда бажарилди. Бунда бурун ёндош бўшлиғининг суяк ва юмшоқ тўқимали структураси визуал текширувдан ўтказилди.

144 та касал болаларда иммунологик изланишлар олиб борилган бўлиб, булар ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномика институтида ўтказилди.

Қон зардобдаги IgG, LgA, IgM даражасини Манчини усули билан аниқланди. Цитокинлар даражаси: IL-1 β , IFN γ , IL-4, sIgA ва IgE қон зардобда ва бурун бўшлиғи суюқликлари ИФА («Цитокин» НИИ ОЧБП, СПб). Маълумотлар IBM да статистика 6 дастури ёрдамида статистик қайта ишланди. Статистика бўйича фарқланиш $P < 0,05$ ни ташкил қилади.

Корригирлаш даволаш усуллари: анъанавий давога иммуномодуляторлар рибомунил ва ликопид препаратини кўшиш.

Диссертациянинг «**Бурун ёндош касалликлари билан оғриган мактабгача ёшдаги болалар клиник кўрсаткичларининг тавсифи**» деб номланган учинчи бобида касал болаларнинг диспансеризацияси ва клиник инструментал текширув тавсифи натижалари кўрсатилган. 2007-йил май, июн ойларида Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги болалар боғчаларида болаларни диспансеризациядан ўтказилди. Диспансеризация ўтказиш учун қатор мутахассислар жалб қилинди (отоларинголог, окулист, хирург, ортопед, невропатолог, стоматолог, эндокринолог ва логопед). Бу мутахассислар Болалар консултация ва диагностика Марказидан таклиф этилди. Текширув ишлари 12 та боғчада олиб борилди. 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган 1193 нафар бола маслаҳат-консултацияси берилди. Тор мутахассислар берган маълумотлар бўйича қуйидагилар аниқланди:

835 болада (69,9%) ЛОР-аъзолари патологияси учраши аниқланди, 42 болада (2,1%) кўзларида патология аниқланди, ортопедик касалликлари бор болалар 710(35,4%), асаб тизими патологияси бор болалар 111 (55%), оғиз бўшлиғида патологияси бор болалар 476 (23,7%), эндокрин тизими касалликлари бор болалар 93 (5,2%), хирургик касалликлари бор болалар 129 (6,4%) ни ташкил қилди. Логопедик муаммолар 15 (0,7%) ҳамда 184 болада (9%) соматик касалликлар кузатилди.

Касалликлар структурасида ЛОР-касалликлари 1-ўринни эгаллаши аниқланди, яъни сурункали риносинусит, сурункали тозиллит, танлай муртаклари гипертрофияси, фарингит, аденоидлар, бурун тўсиғининг қийшиқлиги. Диспансеризация натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 1193 та тиббий текширувдан ўтган болаларда 2595 та касаллик аниқланди, яъни ҳар бир болага ўртача 2,5 нозологик бирлик тўғри келди. Баъзи бир ҳолларда 1 та болада 3-4 нозологик бирлик ЛОР-патология учраши аниқланди. Шундай қилиб, диспансеризация жараёнида текширувдан ўтган болаларда ЛОР-патологияси кўп учраши аниқланди.

ТошПМИ ЛОР-касалликлар клиникасига даволаш учун ётқизилган болалар клиник маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, юқори нафас йўллари ўртасида сурункали риносинусит тез-тез учраши бўйича 1 ўринни эгаллаши маълум бўлди. Бурун тўсиғининг қийшқлиги 805 (96) – ТТКБ гуруҳида учрайди, ККБ да эса 68,3% (41) ҳолат аниқланди. Ўткир риносинусит билан 37 та бола оғриган (61,7%) – ККБ гуруҳида; 16 та бола (13,3%) – ТТКБ гуруҳида учради. Бурун халқум ва танглай муртаги гипертрофияси 68,3% (82) ҳолат асосий гуруҳ болалари ўртасида, ҳамда 38,5% (23) ҳолат қиёсий гуруҳ болалари ўртасида қайд қилинди. Танглай муртаги гипертрофияси 69% (57,5%) ТТКБ да, 21 (35%) ККБ да учради. Сурункали тозилит ва аллергик ринит 30 (25%) ва 9 (15%) ТТКБ да ҳамда 30 (25%) ва 8 (13,3%) ККБ да учраши аниқланди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, кам касалланувчи болаларда ҳам 168 та касаллик аниқланди, бир болага 2,8 ЛОР – патология тўғри келди, ТТКБ да эса бу кўрсаткич 3,7 ни ташкил этди.

180 та (100%) текширувдан ўтган болаларда йирингли синуситнинг аниқ клиник аломатларидан бурун ёндош бўшлиқлари прекциясини палпациясида оғриқлар сезилиши, бурундан нафас олишнинг қийинлашиши кузатилиши, риноскопик текширувида йирингли синусит белгиларидан бурун шиллик қаватининг шишиб ва қизариши, бурун йўллариининг торайиши, бурундан шиллик ёки йирингли-шиллик ажралмаларининг ажралиши, бурун ўрта йўлида кўринадиган характерли чизикча аниқланиши.

Сурункали йирингли синуситнинг куп учраши бурун тўсиғининг қийшқлиги сабаб бўлиб, ўз навбатгида бурун шиллик қаватининг шишиб кетишига, бурун йўлларида аэрация ҳолатини бузилишига олиб келади. Натижада бурун бўшлиғининг сезувчанлигига ошиб кетади, аллергик ҳолатини кучайтириб юборади. Доимий равишда бурундан суюқликнинг томоқнинг орқа қисмига оқиши бурун-халқум ва танглай муртагининг таъсирчанлиги ортишига, уларнинг ҳажми катталашиб кетишига сабаб бўлади.

Энг кўп шикоятлар: бош оғриғи, бурундан нафас олишнинг қийинлашуви, тана ҳароратининг ортиши, уйқунинг бузилиши, оғизни очиб ухлаши, оғиздан нохуш ҳид келиши. Бу шикоятлар интенсивлиги билан ўзаро фаркланади.

Асосий гуруҳдаги болаларнинг 91,3% ва қиёсий гуруҳининг 78,2% ни бурундан секреция суюқлигининг кўп оқиши билан боғлиқ. ТТКБ да суюқлик йирингли характерга эга – 49,4%, 11,1% га нисбатан, ККБ да шиллик 66,7%, йирингли характерига эга булгани тегишли равишда 32,8% нисбатни ташкил қилди.

Бурундан оқётган йирингли ажралмалар оғиздан нохуш (бадбўй ҳид келишига сабаб бўлади, асосий гуруҳдаги болаларда 93,2% ҳолатда қиёсий гуруҳга нисбатан 60,8% ($P > 0,01$), яъни 1,5 баробар юқорирок).

Сурункали заҳарланиш симптомларидан бири чарчоқ бўлиб, кўпроқ асосий гуруҳдаги болаларда қайд қилинади, ҳамда 82,6% ни ташкил этди, яъни 1,5 баробардан ортиқроқ ($P < 0,01$).

Синуситлар диагностикасининг асосини клиник кўриқдан ўтказиш ва рентген текширувидан олинган маълумотлар ташкил этади. ТТКБ нинг 120 тасидан (100%) 104 тасида (86,6%) сурункали йирингли риносинусит касаллиги қайд этилди. Улардан 79 тасида (76%) бурун ёндош бўшлиқлари рентгенограмма қилинди, ҳамда 12 тасида (11,5%) КТ- компьютер томографияси ўтказилди. ККБ нинг 60 тасидан (100%) 24 тасида (40%) бурун ёндош бўшлиқларининг рентгенограммаси ва 5 тасида (83%) КТ ўтказилди.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, ТТКБ да бурун ёндош бўшлиқларининг барчаси зарарланиши -33% ни ташкил этса, ККБ да- 8,3% ни ташкил этган. Бу шундан далолат берадики, ККБ да бурун ёндош бўшлиқларининг бир томонлама зарарланиши кўпроқ учрайди.

Пансинусит ТТКБ да 58,5% ни ташкил қилган бўлса, ККБ да бундай ҳолат кузатилмади. Асосий гуруҳ болаларида бурун тусигини қийшиқлиги 9 (75%) ни ташкил қилса, қиёсий гуруҳда болаларда 3 (60%) ни ташкил қилди.

КТ текширувлари шуни курсатдики 58,5% ҳолатда бурун ёндош бўшлиқларининг барчаси зарарланганлиги аниқланди. РГ да эса бу кўрсаткич 32.9% ни ташкил қилди, 1.8 баробар камлигини курсатади.

Шундай қилиб, КТ текширувлари одатий рентгенграфия (РГ) усулидан авзаллигини курсатади, касалликни эрта ва аниқ ташхислашни таъминлайди.

Диссертациянинг «**Бурун ёндош бўшлиқлари касалланган мактабгача бўлган болалардаги иммун тизими курсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида 144 та болаларда иммун тизим ҳолати ўрганилди: 1-гуруҳ 84 ТТКБ, 2-гуруҳ - 60 ККБ ва 18 та шу ёшдаги соғлом болалар назорат гуруҳини ташкил қилди.

Бемор болаларда иммун тизимидаги умумий узгаришлар Т-лимфоцитлар ва Т-хелперлар сонини камайиши билан боғлиқ. Мадомики, бу ҳолат бурун ёндош бўшлиқлари шамоллаган ТТКБ ларда назорат гуруҳига нисбатан чуқур дефицит ҳолати кузатилади ($P<0,01$).


Шуни инобатга олиш керакки, CD3+-хужайра микдори ТТКБ ва ККБ орасида ишончли фарқ кузатилади ($P<0,05$). Т-лимфоцитларнинг ўта камайиб кетиши, прогностик белгиларга салбий таъсир курсатади ва Т-хужайраларнинг эффекторлик хусусиятини камайтиради. Т-супрессорларнинг ККБ ларда микдорини ошиши ($23,4 \pm 0,4\%$ нисбатан $21,4 \pm 1,1\%$ назоратдаги гуруҳ) ва ТТКБ ларда ишончли ошиши кузатилади ($25,6 \pm 0,5\%$) ($P<0,05$). Албатта, иммун тизимининг Т-звеносидаги номутаносиблик ТТКБ ларда кузатилиб, Т-лимфоцитлар ва Т-хелперларни етарлича дифицитига, CD8-позитив лимфоцитларни ошиб кетишга олиб келди ($P<0,05$).

Сурункали процессларни кайталаниши периферик кондаги актив хужайра CD20+ - лимфоцитлар сонини ошириб юборади. В-лимфоцитлар микдори ТТКБ ларда ($29,5 \pm 0,4\%$ нисбатан $18,8 \pm 0,7\%$ назорат гуруҳи, $P<0,01$), ҳамда ККБ ларда ($21,7 \pm 0,4\%$, $P<0,05$) ишончли ошиб бориши аниқ булди.

ККБ ларда IgG ($769,6 \pm 15,0$ мг/%) концентрацияси камлиги, ТТКБ ларда эса ишончли кутарилагани аниқланди $1320,6 \pm 25,1$ мг/%, ($P<0,05$). ТТКБ ларда IgG ни юкори булиши, циркуляциядаги катта қисмдаги иммуноглобулинлар

яъни, синуситларни чақирувчи кузгатувчиларга ишлаб чиқарилган махсус антителар ҳисобигадир.

ЛОР аъзолари касаллигида IgA ва sIgA етишмовчилик кузатилади. Тадқиқотимизда назорат гуруҳидаги қон зардобида IgA концентрация миқдори $145,1 \pm 4,6$ мг/% ни ташкил қилди. ККБ лардаги қон зардобидаги IgA ишончли камайганлиги $114,7 \pm 2,0$ мг/%, ТТКБ ларда эса 1,66 мартоба кам эканлиги, уртача $87,5 \pm 1,3$ мг/% ($P < 0,01$) ни ташкил қилган. IgM ни ККБ ларда ишончли ошганлиги ($P < 0,01$), ТТКБ гуруҳида эса ишончли камайганлиги аниқланди ($P < 0,01$).



1-расм. ККБ ва ТТКБ лар иммун тизим кўрсаткичлари.

ККБ ларда периферик қонда CD16⁺-хужайраси уртача $19,9 \pm 1,0\%$ ни ташкил қилиб, назорат гуруҳидан анча кўп топилди ($11,4 \pm 0,4\%$, $P < 0,01$). ТТКБ ларда бундай хужайралар назорат гуруҳидан ($8,2 \pm 0,2\%$, ($P < 0,05$)) 1,4 мартоба кам учраганлиги топилди.

ККБ ларда фагоцитоз активлиги назорат гуруҳига нисбатан камайган $53,7 \pm 1,1\%$. ТТКБ ларда эса бу кўрсаткич 1,3 мартоба назорат гуруҳига нисбатан кам булиб $43,4 \pm 0,9\%$ ($p < 0,01$) ни ташкил қилди. Албатта, ТТКБ лардаги табиий киллерларни камайиши ҳисобига фагоцитоз активлиги пасаяди.

Тадқиқот кўрсаткичларида цитокинлар синтезида ўзгаришлар аниқланди, ККБ ларда IL-1 β миқдори 1,86 мартоба назорат гуруҳидагиларга нисбатан ошганлиги ($P < 0,01$) топилди. ТТКБ ларда эса, IL-1 β цитокини миқдорини пасайганлиги аниқланди- $15,3 \pm 1,9$ пкг/мл ($P < 0,01$). Назаримизда, туғма иммун тизимидаги дефицит ҳолати, моноцитар-макрофагал системасида ишлаб чиқарадиган IL-1 β цитокини миқдорини пасайтириб юборган. ТТКБ лардаги IL-4 цитокинлар миқдори назорат гуруҳидагилардан 3,2 мартоба ва ККБ ларидаги кўрсаткичларга нисбатан 1,5 мартоба кўп аниқланди. Яллиғлиниш процессида иштирок этувчи интерферонлар (IFN-гамма ва IFN-альфа) биологик эффекторларидир. Бизнинг тадқиқотимизда ТТКБ ларда IFN γ нинг миқдори ($13,5 \pm 0,3$ пк/мл) назорат гуруҳига ($20,2 \pm 1,3$ пк/мл), ($P < 0,05$) нисбатан камайганлиги, ККБ ларда эса бу кўрсаткич $24,8 \pm 0,5$ пк/мл

($P < 0,05$) ташкил қилиб назорат гуруҳига нисбатан кўтарилганлиги аниқланади.

Махаллий иммунитетни бурун бўшлиғидан олинган суяқликларда текширув ўтказилди. Бунда sIgA даражаси ўрганилди. Маълум бўлдики, ТТКБ гуруҳи жиддий равишда издан чиққан. Бу эса бундай болаларда шиллиқ қаватнинг эрозия-ярали жароҳатларга олиб келиниши мумкин. (ТТКБ да $0,312 \pm 0,05$ г/л ва ККБ да $0,502 \pm 0,02$, $P < 0,05$ назорат гуруҳ нисбатан кўрсаткич – $0,588 \pm 0,07$ г/л).

IgE, қон зардобиди ҳам, жароҳат жойида ҳам кам миқдорда ва қисқа ҳаёт даврида мавжуд. ТТКБ гуруҳидаги барча болаларда IgE нинг локал миқдори ортиши кузатилган. ($3,29 \pm 0,5$ нг/мл – асосий гуруҳ; $1,15 \pm 0,03$ нг/мл – таққослаш гуруҳи; $P < 0,001$). Аниқланадики, IL-1 β даражаси бурун бўшлиғидан олинган суяқликда амалда соғ болаларда ўртача $2,94 \pm 0,07$ пк/мл ни ташкил этди. ККБ да эса унинг даражаси деярли 2 марта ортган. ($5,6 \pm 0,12$ пк/мл, $P < 0,01$). Аммо ТТКБ да IL-1 β даражаси ишончли равишда пасайган – $1,8 \pm 0,2$ пк/мл назорат гуруҳига нисбатан ($P < 0,05$) ККБ гуруҳига нисбатан – $P < 0,001$.

ТТКБ да организм иммунитетининг жавоби ўзига хослиги шундаки, иммун профил Th2 нинг устунлиги ҳисобланади. Бунинг натижасида ТТКБ нинг кўпчилиги бир томондан аллергик кўринишларга эга бўлса, бошқа томондан – IFN γ синтезига қобилятининг пасайиши ҳисобланади. ($1,9 \pm 0,04$ пк/мл ва $1,8 \pm 0,05$ пк/мл, унга нисбатан $4,3 \pm 0,12$ пк/мл, $P < 0,05$).

Шундай қилиб, сурункали риносинусит касаллиги билан оғриган болаларда шамоллаш цитокин IL-1 β ва IL-4 шамоллаш каршицитокинларда ўзгаришлар кузатилади. Шу муносабат билан биз бу кўрсаткичларни умумлаштирувчи индексни ҳисоблаб чиқишни лозим топдик, бунда ушбу формуладан фойдаландик:

$$ККПИ = \frac{IL-1\beta}{IL-4}$$
, бу ерда ККПИ - касаллик кечиши прогнозининг индекси.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, амалда соғлом болалар (назорат гуруҳи) ККПИ 1,5 га тенг бўлди. Бу кўрсаткич ККБ да ортиб борди – 1,8, ТТКБ да бу кўрсаткич 0,34 ни ташкил қилди.

Демак, IL-1 β ва IL-4 даражаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилганда (бурун суяқликларида) ҳамда ККПИ ни ҳисоблаганда, бола қандай гуруҳга мансуб эканлигини башорат қилиш мумкин. Агар ККПИ $> 1,8$ ва юқори бўлса, бу ККБ, агар ККПИ $< 0,34$ ва паст бўлса, бу ТТКБ. Бу кўрсаткичлардаги ўзгаришлар болаларда такроран респиратор инфекциялар ривожланиши ва бактерияли асоратлар келтиришини кўрсатади. Даволаш стратегияси ва тактикаси яллиғланишни даволаб чиккач, иммунокоррекциялаш усули билан белгиланди.

Диссертациянинг «**Бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари билан тез-тез касалланувчи болаларда ўтказиладиган терапияни клиник-иммунологик баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида ўтказилган даволаш натижаларида клиник-иммунологик текширувларини динамик ўзгаришларига бағишланган. 60 та кам касалланувчи болалар (ККБ) 2 та гуруҳга ажратилди:

биринчи кичик гуруҳ – 20 та бола, анъанавий даво муолажаларини олдилар; иккинчи кичик гуруҳ – 40 та бола, анъанавий даво муолажаларига кўшимча иммунокоррекция даво қўлланилди. (Ликопинд 1 мг.дозадан, 1 кунда 2 марта, тил остида сўришга 10 кун давомида, овқатланишдан 30 минут олдин, 1 курс дозаси – 20 мгр). Натижалар таҳлили 1 ой ва 3 ойдан сунг амалга оширилади. 84 та ТТКБ ларни 3 та кичик гуруҳга ажратилди: 1-кичик гуруҳ – 20 та бола, анъанавий даво қўлланилди, натижалар таҳлилини 1 ой ва 3 ойдан кейин амалга оширилди; 2 - кичик гуруҳ – 31 та бола, анъанавий даво + Рибомунил (йўриқномада берилган схема бўйича). Натижалар таҳлилини 3 ва 6 ойдан кейин амалга оширилди; 3 - кичик гуруҳ – 33 та бола, анъанавий даво +ликопид (1 мг дозада, 1 кунда 2 маҳал, тил остига 10 кун давомида, овқатланишдан 30 минут олдин, (1 курс дозаси 20 мг), 3 ойдан кейин – 1 мг дан кунига 1 маҳал 10 кун давомида, (1 курс дозаси – 10 мг) натижалар таҳлилини 1 ойда ва 3 ойда амалга оширилди.

Анъанавий даволаниш чораларини кўрган ККБ да умумий клиник симптомлар динамикаси, комплекс даво чораларини олган болаларга нисбатан фарқ қилар эди. Болалардаги бош оғриғи 10 кундан кейин йуқолган булса, анъанавий даво билан даволанган болаларда етти маротоба кўпроқ қайд қилинди, битта касалда 30 кундан кейин шикоятти йуқолган. Бундай динамик ҳолат бошқа симптомларда ҳам кузатилади, масалан, уйқунинг бузилиши – 25%, чарчоқ - 20%, оғизни очиб ухлаш -30%. Иккита болада шикоятлари даволашнинг 30 кунда ҳам сақланиб тургани аниқланди. Худди шундай симптомлар комплекс даволашдан ўтган болаларда 1 ойдан кейин кузатилади.

Бу натижалар бўйича ўтказилган даво динамикасида текширилаётган болаларда бир-биридан фарқ қилади. Умумий симптомларда фарқли равишда, маҳаллий симптомлар 10 кунда, комплекс даволанган 5 та болада сақланиб қолди. Аммо бурундан оқаётган секретция комплекс даволанишдан 1 ойдан кейин тўхтади. Шунингдек бурундан нафас олишнинг бузилиши, тери мацерацияси ва оғиздан нохуш ҳид келиши йўқолди.

Иммунокоррекция таъсирига эга бўлган ЛИКОПИД препарати комплекс даволаш жараёнида янада самаралироқ бўлди. Бу даво чораси умумий ва маҳаллий симптомлар йўқолишига олиб келди. Шундай қилиб, даволаниш вақти пасайди, касалларнинг стационар шароитида даволаниш 3-5 кунга қисқарди. Шиллиқ қаватнинг сенсбилизацияси камайди, эпителий қоплами яхлитлиги тикланди, Респиратор трактнинг иммун ҳимояси ошди.

Базавий даволаниш чораларини олган ТТКБ да барча симптомлари терапиянинг 30- кунда ҳам сақланиб қолди. Худди шундай базавий даволаниш + Ребомунил дорисини олган касал болаларда фақат 1 та болада уйқу бузилиши кузатилган, 3 гуруҳда (базавий даволаниш+ликопид) шикоятлар қайд қилинмади. Даволанишнинг 10 кунда анъанавий даволанишдан ўтган болаларда бош оғриғи – 2,2 марта, уйқу бизилиши – 2 марта, чарчоқ – 3,8 марта, оғзини очиб ухлаш – 13,3 марта бўлган бўлса, худди шундай ҳолат базавий даво + Рибомунил олган болаларда кузатилмади.

Учинчи гуруҳда, яъни базавий даво+ ликопад олган болаларда бош оғриғи 1,2 марта, уйқу бузилиши – 1,6 марта, чарчоқ – 2,15 марта базавий даво + рибомунил олган болаларга нисбатан кам учраган.


Ўтказилган керакли фонида ТТКБ да маҳаллий клиник симптомларнинг динамикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, базавий даво+рибомунил олган болаларда маҳаллий симптомлар даволанишнинг 30 кунида ҳам сақланиб қолган. Чунки ТТКБ ўтказилаётган терапия (даво) чоралари секинлик билан таъсир қилар эди. Терапиянинг 10 кунидан кейин ҳамбарча симптомлари сақланиб турарди.

Бурундан ажралма оқиши ва тери мацерацияси 1,8 марта, бурундан нафас олишнинг бузилиши 2,7 марта, оғиздан нохуш ҳид келиши 3,6 марта базавий даволанишдан ўтган болаларга нисбатан кўпроқ учраган.

Терапиянинг 30 кунида иккала гуруҳда ҳам тери мацерацияси кузатилган. Бироқ, бурундан нафас олиш бузилган касал болаларда бурундан ажралма оқиши ортиши 4,6 марта базавий даво + рибомунил олган болаларда кўпроқ сақланди. Учинчи гуруҳда (базавий даво+ликопад) давонинг 15 куни маҳаллий симптомлар қайд қилинади.

Шундай қилиб, анъанавий даво чоралари юқори нафас йўллари шамоллашини даволашда самарали усул ҳисобласада, ТТКБ ни даволашда етарли бўлмайди. Болаларни тез-тез ва қайта-қайта касалланиш ҳолатлари юз беришнинг сабабларидан бири бола организмни узок вақт ва кўп антиген таъсири натижаларида иммун тизими фаолиятининг бузилишига олиб келмоқда. Демак, бу касаллар контингенти кўшимча базавий даво чораларига мухтож бўлиб, унда иммунокоррекция препаратларидан фойдаланиш ўринлидир.

ККБ ни даволашда 1 ой ўтгандан кейинги иммун тизими параметрлар динамикаси бўйича маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, базавий терапия иммунитет кўрсаткичлари ўзгаришига таъсир этмади. Риносинусит билан оғриган болаларнинг кўпчилигида қон циркуляцияси таркибидаги Т-лимфоцитлар ва Ig- позитив В-лимфоцитлар сони мийёрида, аммо бу В-лимфоцитлар, Ig- секретланадиган плазматик хужайраларига дифференцияланмайди.



2-расм. Базис ва комплекс давога Ликопид кўшилгандан кейинги иммунологик кўрсаткичлар

Натижада, G ва A синфининг гипоиммуноглобулинемияси кузатилади. Бунда T ва B хужайраларнинг ўзаро таъсири бузилади, яъни агар B-хужайралари T-хужайралар фаоллашувидан тегишли сигналларни қабул қилмайди, IgM гипер маҳсулоти иммунодиффецити пайдо бўлади.


Амалда оширилган базавий терапия гуморал иммунитетнинг ўзгаришига учраган параметрларини тенденцияси тикланишига ёрдам беради. Аммо орадан 3 ой ўтгач, бу болаларда даволанишдан олдинги ўзгаришлар кузатилди.

Базавий терапия ва комплекс терапия жараёнига ликопид киритгани таъсирида иммунологик кўрсаткичлар динамикаси нопесефик химоя факторларининг таҳлили -CD16⁺ хужайраларнинг фагоцитар фаоллиги ва даражасини таҳлил қилиш даволанишнинг 1 ойидан кейин шуни кўрсатадики, базавий терапия ўрганилган параметрлар ўзгаришида ижобий тенгенция пайдо бўлишига олиб келди. Аммо, орадан 3 ой ўтгач, яна даволанишга қадар бўлган ҳолат кузатилди.

IL-1β индусибол ситокиннинг даражаси даволанишига қадар юқори бўлган (P < 0,05). Аммо, 3 ойдан кейин ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, сетосинлар даражаси ортган, ҳамда даволанишига қадар бўлган кўрсаткичларга яқинлашган.

Шунингдек, биз базавий даво чоралари ўтказилгандан кейин, бурун бўшлиғида олишган суюқликларда ситокинлар ҳақида маълумотларни таҳлил қилдик. Базавий терапия ижобий самара берди.

ККБ да маҳаллий иммунитет кўрсаткичларининг динамикаси. Даволанишдан 1 ой ўтгандан кейин ўрганилган параметрлар тикланиши кузатилди. Аммо, орадан 3 ой ўтгандан кейин иммуне тизимининг ўрганилган параметрлари ўзгарган, даволанишдан олдинги кўрсаткичларга яқинлашган.



3-расм. ККБ ларда маҳаллий иммун тизим кўрсаткичлари.

Шундай қилиб, ККБ иммун тизими ҳолатининг натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ижобий динамика қисқа вақт давом этди. Ваҳоланки,

клиник жиҳатдан даволанишдан 10 кун ўтгандан кейин риносинусит симптомлари камайган.

Аммо, 3 ойдан кейин касалларнинг 65% ЛОР-касалликлар кучайганлиги ҳақида шикоят қилганлар. Ўтказилган иммунологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, иммун тизимининг кўпгина параметрлари ишончли тарзда назорат гуруҳларнинг кўрсаткичларидан фарқ қиларди. Бу эса иммунокоррекцияланган терапия ўтказиш зарурлигидан далолат берар эди.

ККБ гуруҳидаги 40 та бола (66,7%) базавий терапия + ЛИКОПИД даво чорасини олдилар, схемаси қуйидагича:

1 мг дан кунига 2 марта, сублингвал равишда, 10 кун давомида, овқатланишдан 30 минут олдин, курс дозаси – 20 мг. Тадқиқотлар даволаниш тугагандан сўнг 1 ой ва 3 ой кейин олиб борилди.

Даволанишдан 8 ой ўтгандан кейин ўрганилган параметрлар тиклангани кузатилган. Масалан, лейкоцитлар ва Т-лимфоцитларнинг умумий пули пасайгани кузатилди. ($P < 0,01$). Т-лимфоцитларнинг субпопуляция таркиби даражаси ишончли тарзда ўзгарди, яъни даволанишгача бўлган даврга нисбатан ($P < 0,01$). Алоҳида таъкидлаш ўринлики, ижобий динамика 3 ойдан кейин ҳам кузатилади.

Т-хужайрали иммунитет тегишли белгиларини таҳлил қилиш ҳам ижобий динамика натижасини кўрсатди. $SD3+$ лимфоцитлар даражаси даволанишдан 1 ой ўтгандан кейин $52,2 \pm 0,7\%$ ни ташкил этди. 3 ойдан кейин ҳам унинг даражаси назорат белгилари доирасида бўлди – $54,6 \pm 1,1\%$ ($P < 0,05$).

Даволанишдан 1 ой ўтгандан кейин хеллор фаолликнинг ҳам ўсиш тенденцияси кузатилди – $34,6 \pm 1,1\%$, 3 ойдан кейин эса $SD+4$ хужайралар сони ишончли равишда кўтарилган – $35,7 \pm 0,81\%$ ($P < 0,05$). Гуморал иммунитетда эса, В-лимфоцитлар умумий пули пасайиш тенденцияси кузатилди – 1 ойдан кейин – $20,7 \pm 0,9\%$ ҳамда 3 ойдан кейин $19,2 \pm 1,0\%$.

Имуноглобулин даражасини таҳлил қилиш натижалари ижобий натижа кўрсатди: IgG ва IgA даражалари кўтарилди, IgM пасайди. ($P < 0,05$). Носпесифик ҳимоя параметрлари фагоситар фаоллик ва $SD16+$ хужайраларда ижобий динамика кузатилди.

2-расмдаги маълумотлардан кўриниб туриптики, $SD16+$ лимфоцитлар даражаси 3 ойдан кейин ишончли тарзда пасайган – $11,9 \pm 0,8\%$ ($P < 0,05$), фагоситар фаоллик даражаси эса ортган (даволанишга қадар – $53,6 \pm 13\%$ ($P < 0,05$) даволанишдан кейин – $56,9 \pm 1,2\%$).

Назал суюқликлардаги ситокинларнинг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди:

ККБ гуруҳида риносинусит авж олиши натижасида ўзгарган параметрлар комплекс даво чоралари кўрилгач, 1 ой ўтгандан кейин ижобий натижа динамикасини кўрсатди. ($P \leq 0,01$) 3 ойдан кейин эса назорат гуруҳи кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмайди.

Шундай қилиб, ККБ терапиясига ЛИКОПИД қўшилганда шу маълум бўлдики, у қоннинг иммунологик кўрсаткичларига таъсир қилар экан. (тизимли таъсир – ҳаракат) ҳамда маҳаллий иммунитет кўрсаткичларига

таъсир кўрсатар экан. (sIgA, IgE даражалари ва назал суюқликлардаги шамоллашга қарши ситокинлар).

Ликопид препарати қўллаганда, организм яхши қабул қилди. Бутун кун давомида пазивитлардан шикоят ва дорини рад қилиш ҳақида эътироз бўлмади.


Коррекция тадбирларини амалга ошириш учун ТКБ гуруҳини биз 3 та кичик гуруҳга бўлдик: 1-гуруҳ 20 та бола, уларга базавий терапия муолажалари ўтказилди; 2-гуруҳ 29 та бола, базавий терапияга иммунокоррекция препарати РИБОМУНИЛ препарати қўшилди; 3-гуруҳ 35 та бола, уларга комплекс терапия билан бирга ЛИКОПИД препарати қўшилди.

